

**ҲАЁТИЙ ВАЗИЯТЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА
ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ШАХСИЙ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
ОЛИЙ ПЕДАГОГИК КАДРИЯТ СИФАТИДА**

Р.Сулаймонов,

ЎзПФИТИ стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси

Шахс эркинлиги олий кадрият сифатида эътироф этилади. Ҳар қандай жамият доимо эркин, мустақил фикрловчи кишиларга эҳтиёж сезиб келган.

Шахснинг шаклланиши, унинг нуқтаи назари, тажрибаси, ўзига хослигинининг таркиб топиши унинг эркинлигига бевосита боғлиқдир. Шахс эркинлигининг шаклланиши ўқитувчи ҳамда ўқувчилар ҳамкорлигининг ифодаси сифатида талқин этилиши лозим. Бундай дидактик жараёнлар ўзаро ҳамкорлик асосида ўқувчилар шахсини ривожлантиришга йўналтирилиши лозим.

Жамиятнинг глобаллашуви жараёни ўқувчилардан, нафақат зарур билимларни ўзлаштириш, балки, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий воқеликда тўғри йўналиш ола билиш лаёқатини таркиб топтиришни ҳам талаб қилмоқда. Ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар жадал тарзда вужудга келаётган ҳозирги шароитда, жамият ривожланишининг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ўзига хосликларини ўқувчилар аниқ идрок этишлари керак. Ўқувчиларнинг истиқболдаги ҳаёти ёрқин ва қизиқарли бўлгандагина, улар давлат ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга ўзларини сафарбар қила оладилар. Ижтимоий, иқтисодий вазиятларнинг ўзгариши ва мунтазам ривожланиши ёшларни чўчитмаслиги лозим. Улар мактаб таълими жараёнидаёқ, ижтимоий, иқтисодий вазиятларда тўғри йўналиш кўникмасини эгаллашлари талаб этилади. Ўқувчилар ўзларининг истиқболдаги ҳаётларида муваффақиятга эришиш учун иқтисодий жиҳатдан эркин, мустақил, ижтимоий, иқтисодий инқирозлар вазиятида тўғри йўл топа билишлари, ижтимоий барқарорликни сақлашлари, мунтазам ўзгарувчи шароитларда ўзликларини намоён этишлари лозим

Маълумки, анъанавий таълим жараёнида, талабларга сўзсиз бўйсунувчи, ижрочи ўқувчиларни тайёрлаш амалиёти катта ўрин эгаллар эди. Ўқитувчиларнинг бутун кучлари ўқувчиларни бўйсундиришга қаратилган кўрсатмалар беришга сарфланар эди. Бундай кўрсатмалар ўқитувчи ҳаракатини мунтазам бошқариш қувватига эга бўлган. Бундай шароитда, ўқувчилар мустақил қарорлар қабул қилиш, ўз хатти-ҳаракатлари учун масъулиятни ҳис этиш, ўз ҳаётий фаолиятларини эркин тарзда танлаш, ҳуқуқ-атвор йўналишларига эга бўлиш, ўз ривожланишларининг усуллари жорий этиш кўникмасини етарлича эгаллай олмас эдилар.

Кузатишларимиздан аён бўладики, битирувчи ўқувчиларнинг аксарият қисми ижтимоий, иқтисодий вазиятларда тўғри йўл танлаш, мустақил қарорлар қабул қилишга қийналмоқдалар. қадриятларга йўналтирилганлик жараёнларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчиларнинг кўпчилиги моддий жиҳатдан таъминланган турмуш тарзини муҳим ўринга қўймоқдалар. Буни улар ўз меҳнатлари эвазига таъминлаш зарурлиги ҳақида ўйлаб кўрмаяптилар. Бу эса, ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятлари сустлигини кўрсатмоқда. Улар ўз ҳаёт йўллари эркин тарзда танлаш ва бу танлов учун масъулиятни етарлича ҳис қилмаяптилар.

Кескин ижтимоий, иқтисодий тараққиёт жараёнида, шахснинг эркинлиги унинг ижтимоий ривожланишини белгиловчи муҳим қадрият сифатида намоён бўлиши керак. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да эркинлик сўзининг: “Бирор жиҳатдан чекланиш, тазйиқ ва шу қабиладан хоилик; кишининг ўз истаги бўйича иш тутиши. Эркин ҳаёт, шароит. Озодлик, мустақиллик; ҳуррият, эрк” маъноларини ифодалаши кўрсатилган. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да эса, эркинлик атамагида қуйидагича таъриф берилган: “Эркинлик – кишининг ўз истаги бўйича иш тутиши”.

Билимларни кенг кўламда эгаллаш, ихтисосликнинг ривожланиши, таълимий қизиқишларни қондириш, мустақил билим олишга бўлган эҳтиёж, ҳаётнинг барча соҳаларига таъминланганлик даражасининг ортиши, муайян

дунёқараш, миллий ғоя ва ранг-баранг фикрлаш тарзига эга бўлиш ўқувчиларнинг лаёқатларини ўстиришни тақозо қилади. Ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг замонавий концепцияларида мустақил фикрловчи эркин шахсни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланган. Чунки, мустақил фикрловчи эркин шахс ўз мавқеини аниқлаш, ўз ҳаёт йўлини лойиҳалаш, ижтимоий-маданий ўзгаришлар шароитида муҳим қарорлар қабул қилиш кўникмасига эга бўлади.

Маълумки, тобора ривожланаётган бозор муносабатлари ўқувчиларнинг иқтисодий, ҳуқуқий билимдонлик доирасини кенгайтириш сирасини юзага пайдо қилмоқда. Бундай билимларсиз ўқувчиларнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий тафаккури ва маданиятини таркиб топтириш мумкин эмас.

Эркинлик атамаси фалсафа, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, этика, эстетика, психология, социология, педагогика фанларининг тадқиқот предмети сифатида кенг кўламли аҳамият касб этади. У инсонни кадриятлар оламига йўналтиради, фаолият истиқболини шакллантиради. Ҳаётий режалари, касб танлаши, микросоцикмда ўз ўрнини белгилаши, моддий борлиққа бўлган муносабатини аниқлашга имкон беради.

Бугунги кунга келиб мактаб ўқитувчилари ўқувчиларни янги ижтимоий, иқтисодий муносабатлар шароитида ижтимоий ҳаётга тайёрлаш борасида, катта куч ҳамда ғайрат сарфламоқдалар. Ўқувчиларда иқтисодий, ҳуқуқий маданиятни таркиб топтириш орқали, турли ҳаётий вазиятларда уларнинг тўғри қарорлар қабул қилишларига имконият яратилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, педагогика назарияси ва амалиётида бугунги кунга қадар ҳаётий вазиятларни моделлаштириш жараёнида, ўқувчиларда шахсий эркинликни таркиб топтириш механизмлари етарлича ишлаб чиқилмаган. Бу эса, ўз навбатида, мазкур йўналишда кенг кўламли амалий ва назарий тадқиқотларни янада ривожлантиришни тақозо этиши, табиий.